


Ўзбекистон «Open Data Inventory» очик маълумотлар рейтингда 125 поғонага кўтарилиб, дунёда 44-ўрин, Марказий Осиёда эса 1-ўринда қайд этилди



Давлат статистика қўмитасига кўра, Ўзбекистон «Open Data Inventory 2020/21» (ODIN) - очик маълумотлар рейтингда 125 поғонага кўтарилиб, дунёда 44-ўрин, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Эслатиб ўтамыз, 2018 йил мазкур рейтингда Ўзбекистон 169-ўринда қайд этилган эди. Жорий йил ушбу рейтингда 186 мамлакат қатнашган.

«Open Data Inventory» расмий статистика камчиликларини аниқлаш, очик маълумотлар сиёсатини илгари суриш, миллий статистика органлари билан маълумотлардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ва рағбатлантиришга қаратилган қамров ва очикликни баҳолайди.

ODIN - очик маълумотлар ва расмий статистика ўртасида фаолият олиб борувчи халқаро нотижорат ташкилотдир.

ODINда баҳоладиган маълумотлар миллий статистика органлари расмий веб-сайтида эълон қилинган ёки МСО веб-сайтидан ҳавола мавжуд бўлган мамлакатнинг бошқа расмий сайтларида эълон қилинган бўлиши керак. Давлатларнинг очиклик индексини ҳисоблашда ташқи савдо ва божхона соҳасидаги маълумотларнинг очиклиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Манба